

Андижон вилоят автомобиль йўллари бош бошқармаси билан "ЙЎЛ-ЛОЙИҲА БЮРОСИ" МЧЖ ўртасида
махаллий аҳамиятдаги автомобил йўлларини 2022 йил жорий таъмирлаш ишлари тузилган
ШАРТНОМА № 206/2022

Андижон шаҳри

2022 йил 24-ноябр

Кейинги ўринларда **"Буюртмачи"** деб юритиладиган Андижон вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи бошлиғи **Т.Қараев** бир томондан, матнда кейинги ўринларда **"Бажарувчи"** деб юритиладиган **"ЙЎЛ-ЛОЙИҲА БЮРОСИ"** маъсуляти чекланган жамият устави ва 07.01.2022й №8-сонли ишончнома асосида иш юритувчи филиал бошлиғи **М.Закиров** иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-408-сонли қарор ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-, 24-моддаларига асосан халқ депутатлари Андижон вилоятида 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари доирасида амалга ошириладиган тадбирларнинг манзилли рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида асосан, Андижон вилояти ҳудудидан ўтувчи умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш бўйича 16.11.2022-йил №185492-сонли йиғилиш баёнига асосан ушбу шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ

1.1. **"Бажарувчи"** ушбу шартнома шартларига мувофиқ Андижон вилояти Жалакудук тумани 4К72"Кўтарма қ-Охунбобоев ш-Кўргонтепа ш-Чимён қ-Панжиқургон қ " а/й нинг 14 км ва 4н1073 "Қатортол қ-Кичикболвон қ-Чўнка қ-Кўчатзор қ" а/й 9 км кесишмасида светофор ўрнатиш ва жорий таъмирлаш. ишларини шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган иловага асосан бажариш мажбуриятини олади. **"Буюртмачи"** эса **"Бажарувчи"**га бажарилиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъёрий ҳужжатлар ва ташкилот меъёрлари асосида тузилган лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағ тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда 2022-йилда жорий таъмирлаш ишлари учун смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларига ҚҚС билан **1 950 000 (Бир миллион тўққиз юз эллик минг)** сўмни ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил ҳисобланиб, фақатгина ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ғазначилик тизимидан электрон тартибда рўйхатдан ўтиб, жамғарма ҳисоб рақамида маблағ мавжудлигини ҳисобга олиб жорий ойнинг 10 санасига қадар **"Буюртмачи"** томонидан бажариладиган ойлик иш хажмининг 30% миқдоридан олдиндан аванс тарикасида **"Бажарувчи"**нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. **"Буюртмачи"** томонидан ойлик иш хажмлари режасига асосан **"Бажарувчи"** томонидан тақдим қилинган бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунида **"Бажарувчи"**нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.5. **"Буюртмачи"** охириги тўловни **"Бажарувчи"** томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунидан кечикмаган муддатда бироқ 2022 йилнинг 31 декабрига қадар ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар **"Буюртмачи"** томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Пудратчи"нинг мажбуриятлари

Мазкур шартномада илова қилинадиган бажариладиган ишлар маълумотномасига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва ишларни ой якунига қадар бажариб топширади.

Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда **"Буюртмачи"**га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

3.2. "Бажарувчи"нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олиннадиган аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла хажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

3.3. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни Автомобиль йўллари кўмитасининг 2003 йил 15 октябрдаги 198-сонли буйруғи асосида "Автомобил йўлларини қуриш ва таъмирлаш ишларини қабул қилиш қоидалари" МШН-19-2004 ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

3.4. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари

"Бажарувчи"дан бажариладиган жорий таъмирлаш ишларини амалдаги халқаро стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида бажарилишини таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш;

“Бажарувчи”дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиҳа ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш;

“Бажарувчи” томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. “Бажарувчи” объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун “Буюртмачи”га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 %и миқдориди пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 %идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар “Бажарувчи” томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса “Буюртмачи” тўловларни тўхтатиб, лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20%и миқдориди жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун “Буюртмачи” томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 %и миқдориди пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 %и миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 25-32 моддлари асосида белгиланади.

V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди орқали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ғазначилик тизимидан электрон тартибда рўйхатдан ўтган кундан кучга кириб, 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

“ПУДРАТЧИ”

“ЙЎЛ-ЛОЙИҲА БЮРОСИ” МЧЖ

(иш бажариб берувчининг номи)

Тошкент шаҳри, Мустақиллик шох

кўчаси, 68-уй Телефон: 237-38-55

Х/р: 2020 8000 8040 1094 1001

АКИБ «Ипотека-Банк»

Яшнобод филиали

МФО: 00959 ИНН: 300 112 785

ОКОНХ: 66000 ОКЕД: 71110

“БУЮРТМАЧИ”

Андижон вилоят автомобиль йўллари бош бошқармаси

(бюджетдан маблағ олувчининг номи

Манзил:Андижон ш. А.Йўлдашев кўча 30

Тел./факс 224-10-07 226-88-90

ш/х.р: 301821860034017045204118096

СТИР: 200230895 ОКОНХ: 84112

Ғазначилик бўлинмаси номи: Ўз Р Молия

Вазирлиги Ғазначилиги

Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: МБББ ХККМ

МФО: 00014

Ғазначилик бўлинмаси СТИР 201122919

Раҳбар:

М.Закиров

Бошлик:

Т. Қараев

М.Ў

Ҳуқуқшунос:

М.Ў